

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ВИДЕО ДАРСЛИКДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жалолиддин Алишер ўғли Нуркулов

Гулистон давлат университети, Ахборот технологиялари факультети, Амалий математика ва информатика йўналиши, 3-босқич талабаси

Аннотация. Келтирилган ушбу мақолада таълим сифатини оширишда видео дарсликдан фойдаланиш ҳақида тушунча ва тавсиялар берилган. таълимни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари олий таълим тизимид яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этиб борилиши зарур. Ўз-ўзидан равшанки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг зарурий омили ҳисобланади ва доимий характерга эгаллиги назарда тутилган.

Калит сўзлар: кутубхона, интернет, компьютер, монитор, видео формат, видеомануал, электрон кўлланма, инновацион технология.

Аннотация. В этой статье представлены выводы и рекомендации по использованию видеотекстов для повышения качества образования. Процесс модернизации и реформирования образования ярко отражен в системе высшего образования, здесь в учебном процессе необходимо постоянно внедрять новые технологии для повышения качества образования. Очевидно, что процесс реформирования системы образования является необходимым фактором проводимых в стране социально-экономических преобразований и носит перманентный характер.

Ключевые слова: библиотека, интернет, компьютер, монитор, видеоформат, видеолекция, электронное пособие, инновационная технология.

Annotation. This article provides insights and recommendations on the use of video textbooks to improve the quality of education. The process of modernization and reform of education is clearly reflected in the system of higher education. Here, in the teaching process, new technologies must be constantly introduced in order to improve the quality of education. It is obvious that the process of reforming the education system is a necessary factor in the ongoing socio-economic reforms in the country and is expected to be permanent.

Keywords: library, internet, computer, monitor, video format, video lecture, electronic manual, innovative technology.

Айни кунларда ҳеч кимга сир эмаски, Интернет ва умуман, ахборот технологиялари ҳаётимизни кескин ўзгартириб юбормоқда. Жумладан, ахборот технологияларининг таълим тизимига татбиқ этилиши ўз самарасини бермоқда. Китобларнинг электрон нусхалари пайдо бўлиб, барча жаҳон адабиётининг дурдона асарларини ўқиш имконига эга бўлди. Натижада, электрон кутубхоналар шакллана бошлади. Бу эса ўз навбатида,

таълим тизими самарадорлигини оширди ва мукаммалаштириш имконини берди. Бундай кутубхона адабиётларидан фойдаланишда айрим ноқулайликлар юзага келади. Энг асосийси, компьютер монитори олдида узок ўтиришга тўғри келади. Бунда видеомануал ва видеодарслардан фойдаланиш муҳим ўрин тутди.

Сўнги йилларда турли технологияларни видеолар, аниқроғи, видеодарслар орқали ўрганиш тобора одат бўлиб бормоқда. Сабаби мануалларни видео шаклда ёзиш муаммо бўлмай қолди. Бунинг учун бир қанча технологияларни билиш кифоядир. Шунинг учун видеодарслар орқали ўрганиш оммавий тус олмақда.

Ўзбекистон таълим тизимида ҳам улардан фойдаланилмоқда. Видеодарслар орқали ўрганиш жуда осон ва тез самара беради ҳамда ихтиёрий инсон ўз билимларини видео форматида ёзиб бошқаларга ўргатиш имконига эга бўлади. Эндиликда кўплаб қалин ва айрим тушунарсиз китобларни ўқишга вақт сарфланмайди. Уларнинг ўрнини видеодарслар эгаллайди.

Бироқ ҳамма ҳам сифатли ва фойдали видеомануаллар ва видеодарсларни ярата олмайдди. Айтиш мумкинки, ҳозирги кунда турли хил веб-технологияларни, операцион тизимларини ўргатувчи видеомануаллар мавжуд. Уларнинг аксарияти рус ва инглиз тилида, шу боис, ўзбек тилида видеомануалларни яратиш долзарб масалалардан биридир. Веб-дастури соҳаси бўйича Adobe Dreamweaver CS4 дастурини ўргатувчи мултимедияли ўқитиш тизими яратилган. Уларнинг мавжуд аналогларидан фарқи шундаки, видеодарслар тўлиқ ўзбек тилида яратилган. Фойдаланувчи менюси имкон даражасида соддалаштирилган.

Мултимедияли таълим тизимини яратишда бир қатор жараёнларни бажариш керак, жумладан, таълим соҳасини танлаш ва зарур фанларни таҳлил қилиш, видеодарслар ёзишга мўлжалланган дастурлар орасидан энг яхшисини танлаш, видеодарсларни ёзиш ҳамда монтаж қилиш ва бошқалардан иборат. Видеодарсларни ёзадиган дастурлар бир нечтадир. Улардан **Webineria, UltraVNC Screen Recorder, Captivate, BB FlashBack Express, Camtasia Studio, Jing** кабиларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин. Улар компьютер экрандаги ҳаракатлар, микрофондан овозларни ёзади ҳамда компьютерлар тушунадиган видео файллар форматига ўгириб беради. Бу воситалардан **Camtasia Studio** дастури ўзининг интерфейси, жуда кўплаб форматлари, видео файлларга турли хил белгилар ва изоҳлар қўйилиши, дарсларга менюлар ҳосил қилиниши билан ажралиб туради, шунингдек, бу дастур ёрдамида аудио файлларни ҳам яратиш мумкин. Дарс ёзиш давомида экраннинг керакли жойини алоҳида ажратиб кўрсатиш имкони ҳам мавжуд. Ана шу афзалликлари туфайли видеодарслар ёзувчи дастур сифатида **Camtasia Studio** танланди.

Camtasia Studio дастури тўртта ёрдамчи қисмлардан иборат: **Camtasia MenuMaker, Camtasia Player, Camtasia Theater** ва **Camtasia Recorder**. Дастурнинг асосий қисми, шубҳасиз, **Camtasia Recorder** ҳисобланади. Барча дарслар айнан шу дастур ёрдамида

яратилди. **Camtasia Studio** дастури ойнасининг пастки қисмида timeline деб номланувчи ишчи столи мавжуд бўлиб, у орқали аудио ва видео файллар устида турли хил амалларни бажариш мумкин.

Булар жумласига файлларни бир-бирига боғлаш, кераксиз қисмларни қирқиб ташлаш кабилар киради. Асосий ойнанинг марказида дастур ишлаши мумкин бўлган файллар рўйхатини кўрсатувчи «Корзина клипов» (Clip Bin) қисми жойлашган. Шу файлларни ўнг тарафдаги видеоплеерда кўриш мумкин. Бу кичкинагина **Camtasia Player** дастури фақатгина битта вазифани бажаради - AVI файлларини намойиш этади.

Бугунги кунда деярли барча соҳанинг электрон қўлланмалари мавжуд. Бирок ахборотнинг инсонларга нафи тексагина фойдали бўлади. Шундай экан, мултимедияли ўқитиш тизимлари тайёрлашда ҳам ана шу жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Зеро бугунги кунда бирор-бир мавзу ёки технологияни ўрганишнинг бундан осонроқ усули мавжуд эмас.


Умуман олганда ҳам эшитиб ҳам кўриб ўрганиш жуда қулай ҳисобланади. Шунини инобатга олган ҳолда ушбу мақолада “**Camtasia Studio**” дастури имкониятларидан фойдаланиб “**Оперцион тизимларни**” ўргатувчи видео маърузаларни яратиш ҳақида тушунча ва тавсиялар келтирилган.



1-расм. Camtasia Studio дастурини муҳаррирининг умумий кўриниши.

Camtasia Studio дастури асосида яратилган дастурий маҳсулотдан фойдаланиш жуда ҳам қулай ҳисобланади. Яъни .avi кенгайтмали файлни медиаплеерда ишга тушириб операцион тизимларда видеомаърузани намойиш этилаётган машғулоти такрорлаб бажариш имконини беради.

Ушбу кетма-кетлик орқали қолган барча машғулотлар бажарилади. Яратилган видеомаърузаларини битта меню остида бирлаштирилган. Унинг кўриниши қуйидагича:



2-расм. Camtasia Studio дастури асосида яратилган видео маъруза

Видеомаърузани ҳоҳлаган жойда тўхтатиб қўйиб амалий машғулотларни бажариш ва шу тарика такроран бажариш мумкин. Видеомаърузада эффектлардан фойдаланиш талабаларга, берилаётган буйруқларни ўқиб бажариш имкоятларини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, таълимни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнлари олий таълим тизимид яққол намоён бўлади. Бу ерда дарс бериш жараёнида янги технологиялар таълим сифатини ошириш мақсадида доимий равишда жорий этиб борилиши зарур. Ўз-ўзидан равшанки, таълим тизимини ислоҳ қилиш жараёни мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг зарурий омили ҳисобланади ва доимий характерга эга. Бу жараёнда олий таълим сифатини таъминлашда илғор хорижий тажрибалар ва модулларни татбиқ этиш устувор вазифалардан бири бўлиб қолиши жуда муҳимдир.

Адабиётлар Рўйхати

1. Ш.М.Мирзиёев. Эркин ва фаровон, демократик ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.– Тошкент : Ўзбекистон, 2016. - 56 б.
2. Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги маърузаси. 7 декабр 2016 й.
3. Н.А.Каюмова «Ахборот технологиялари фанидан электрон ўқув адабиётларини яратиш ва фойдаланиш методикаси. Педагогик таълим. -Тошкент, 2006й.- №1.- Б.29-31.
4. Абдураимов Д. Э. Описание алгоритмов важность программы Crocodile ICT //Вестник научных конференций. – ООО Консалтинговая компания Юком, 2019. – №. 4-3. – С. 8-9.
5. Абдураимов Д. Э. Ў., Абдурахманов О. Н. ОБЪЕКТ АЛОМАТ ВАЗНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ОРҚАЛИ РЕЙТИНГИНИ АНИҚЛАШ МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 21-25.

6. Абдураимов Д. Э. Ё., Норматова М. Н., Монасипова Р. Ф. ЛИБМАН ТИПИДАГИ ИТЕРАЦИН УСУЛНИ ЭЛАСТИКЛИК НАЗАРИЯСИ МАСАЛАСИГА ҚЎЛЛАШНИНГ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 15-20.
7. Абдураимов Д. Э. Ё., Адилов А. Н., Турдиев А. П. Ё. АНИЗОТРОП ВА ИЗОТРОП ЖИСМЛАР УЧУН ТЕРМОЭЛАСТИК БОҒЛИҚ МАСАЛАНИНГ ИККИ ЎЛЧОВЛИ ҲОЛАТДАГИ МАТЕМАТИК МОДЕЛИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 1. – №. 5. – С. 449-453.
8. Создание видео в Camtasia Studio 7 (смотреть видео уроки онлайн) - Видео Училка
<https://videouchilka.ru/camtasia-7.html>